

Тарихий Обидаларни Таъмирлаш Назариясининг Шаклланиши Ва Уларни Сақлаш

Бакиев Шероз Азизович¹

Аннотация: Мақолада Тарихий обидаларни таъмирлаш назариясининг шаклланиши, Таъмирлашнинг янги тамойилларини шакллантириш, Меъморчиликда муҳандислик консервацияси санъатининг моҳияти ҳамда ёдгорликнинг умрини ўзгартиришга хизмат қиладиган омиллар келтирилган.

Калит суллар: Тарихий обидалар, ёдгорлик, таъмирлаш, тамойиллар, консервацияси, Бойто таъмирлаш, Муҳандислик консервацияси.

XIX аср ўртасида таъмирлаш ишларида яна қатор муаммолар пайдо бўлди. Шулардан иккитаси жуда муҳим эди. Биринчиси, бинонинг қўшимча микдорда, яъни қурилмай қолган ёки йўқ бўлиб кетган қисмлари ўрнини қай микдорда тиклаш муаммоси бўлса, иккинчиси, бинога кейинги даврда қўшилган қисмларга муносабат муаммоси эди. Бу муаммолар устида қизгин баҳслар олиб борилди. Шу йўсинда аста-секин таъмирлаш назарияси ҳам шакллана борди.

Инглиз адаби ва танқидчиси Жон Рёскин таъмирлашни танқид қилиб чиқди. Унинг таъбирича, “таъмирлаш - обидани кенг ва ёппасига бузиш демакдир”. У шундай деб ёзди: “мурдани тирилтириб бўлмаганидек, архитектурадаги буюкликни ва гўзалликни ҳам тиклаб бўлмайди.” Рёскиннинг фикрича, бўйича таъмирлаш ўрнига обидага муттасил қараб туриш, иложи бўлмаганида эса обида йўқ бўлаётганини кузатиш билан кифояланиш лозим.

Француз археологи Адольф Наполеон Дидрон “таъмирчининг ҳуқуқларини чеклаб туриш керак”, деб ҳисоблаган эди. У “бирор шоир “Энеида” достонидаги шеърларни охиригача ёзиб қўйишга, бирор рассом Рафаэл битирмаган асарни тугатишга, бирор ҳайкалторош Микеланжелонинг охирига етказмаган ҳайкалинини тугатишга журъат қилмаганидек, соғлом фикрли меъмор ҳам тугатилмаган бинони охирига етказишга ҳаракат қилмаслиги керак” деб ёзган эди. Дидрон обидани кейинги қўшимчалардан “тозалаб стилистик яхлитликка эришиш” усулини ҳам қоралади. У кўп хатолардан сақланишнинг бирдан бир йўли ўрта аср меъморчилиги Веолле-ле-Дюк меросини пухта ўрганиш деб билди.

Бу эса тадқиқот, яъни обидаларни ўрганиш таъмирлаш ишларининг асоси деган тушунчанинг шаклланиши эди. Мазкур тушунчанинг салбий томони таъмирлашдаги ҳар қандай масалани ҳам тадқиқотчининг бир ўзи еча олади деган ногўғри хулосага Веолле-ле-Дюк олиб келишига сабаб бўлди. Аслиятга тақлид қилиш, ундан нусха олиш ҳам хатолар олдини олиш деб тушунилди. Хуллас, шу йўсинда тарихий обидаларни “ўхшама (аналог) бўйича таъмирлаш” усули вужудга келди.

Архитектор Виолле-ле-Дюк ҳам Франциянинг етук олими эди. У готикани бадиян мукамал муҳандислик тизими тариқасида тушунган. Унинг фикрича, таъмирлаш-бузилган тизимни тиклашдир. У таниши Лассю билан Париждаги Нотрдам черковини таъмирлаган. Уларнинг иккалови ҳам обиданинг “аввалги ҳашаматини тиклаш” зарур деб билишган. Черков шпили тикланган. Лекин битмай қолиб қурилмади. Виолле-ле-Дюк “тиклаш- бу обидада аслида ҳеч қачон бўлмаган қисми билан битказилган ҳолатига келтиришдир”, деган эди. Таъмирлаш жараёнида кейинги қўшимчалар олиб ташланар, бино меъморий образига стилистик интилинар эди. Бундай таъмирлашнинг иккинчи камчилиги: диққат –эътиборни мавжуд ёдгорликдан унинг идеал (мавҳум) қиёфасига олиб ўтиш бўлган. Пировардида тарихий бўлган, лекин дастлабки қурилишдан кейинги қўшимчалар сўзсиз олиб ташланар эди. Бинони қурган биринчи меъмор режалаган, лекин амалга ошмай қолган бинонинг қисмини таъмирлаётган меъмор тугатиб қўйиши керак эди. Шунинг учун ҳам бу усул “стилистик ёки романтик таъмирлаш” номини олди ва у XIX аср ўртасида кенг тарқалди. Танқидчи адиб Жон Рёскин айтган пессимистик гаплар амалда ҳақиқатга айланар эди. Бунинг устига ўша даврда эклектизм ҳам тарқалди. Шу билан бирга хатоларни тўларок тушуниш учун таъмирлаш ҳали алоҳида соҳага ажралмаганлигини ҳам назарда тутиш керак. XIX аср охирида стилистик таъмирлашдан норозилик пайдо бўлди. Бу таъмир натижасида ёдгорлик ўрнига унга ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлган, аслида бошқа янги бино вужудга келиб қолар эди. Замонавий меъморни ўтмишдаги услубиятга тўла етаклай олиш мумкинлиги шубҳа остига олинди. Пировардида шундай хулосага келиндикки, обидада меъмор режалаган ҳолатни эмас, балки унинг амалга ошган ҳолатини таъмирлаш зарур.

Таъмирлашнинг янги тамойилларини шакллантиришда Рёскиннинг издоши Уильям Морис фаолияти катта рол ўйнайди. Янгича қараш италиялик Камилло Бойтонинг “Латиф санъатларнинг амалий масалалари” асарида ўз

¹ Гид экскурсовод ансамбля регистон

аксини топади. Бойтонинг фикрича, “ёдгорликнинг аслиги тарихий хужжатнинг аслиги билан баробардир”. У Рёскинга ўхшаб таъмирлашни бутунлай инкор этмади.

Бойто таъмирлашга қўйиладиган шартларни ўта қаттиқ қўйди. Шартларнинг энг муҳимлари: дастлабки ва кейинги қисмларни стилистик жиҳатдан фарқлаш, уларни турли ашёда ишлаш, янги киритилган қисмларда майда деталларни, чунончи нақшларни бермаслик. Обида таъмирланган қисмларни махсус белги ва ёзувлар билан атажриб қўйиш топ илган қисмларни ёдгорлик олдида намойиш қилиш, ўтказилган таъмир тўғрисида махсус лавҳ ўрнатиб қўйиш, баённома тузиш, ўтказилган тадқиқий ва таъмир ишларини суратга олиб қўйиш, уларни чоп этиш ёки ёдгорликларнинг ўзида сақлаш, қабул қилинган ечимларни жамоатчиликка кенг овоза қилиш. Бойто шу билан бирга бу тамойилларни доғмага айлантормай, “шароитга қараб” қўллаш зарурлигини уқтирган. Кўриб турибмизки, тарихий обидаларни таъмирлаш назарияси шаклланиб келмоқда.

Бойто таъмирлашни уч хилга ажратади :

1. Археологик таъмир (антик ёдгорлик учун, ўта аниқлик талаб этилади).
2. Эркин таъмир (ўрта аср ёдгорликлари учун, қисмлари мутлақо сақланмаган бўлса ҳам, уларнинг бўлганлиги аниқ бўлса, тикланади);
3. Архитектуравий таъмир (уйғониш ва ундан кейинги даврлардаги ёдгорликлар учун, обидалардаги тартиблилик, мунтазамлилик йўқолган ҳолда қисмлари етарли миқдордаги аниқлик билан тикланади).

Тадқиқотчиларнинг изланишлари давомида обидалар қийматининг кирралари тобора кўпая борган. Австриялик Алоиз Риглю ёдгорликларнинг ижтимоий қийматини очиб, уларнинг эстетик ва утилитар қийматларидан ташқари тарихий қиймати ҳам алоҳида эътибор берди. Унинг эътирофига кўра, ёдгорликнинг фақатгина энг қадимги қисмлари эмас, балки ундан кейинги қисмлари ҳам қимматлидир. Чунки қадимгиси кейингилари билан биргаликда ўзида тарихни тўла акс эттиради. Ёдгорликдаги кейинги ўзгариш қолдиқларини сақлаб қолиш зарурлиги туғилади. Консервация чораларининг устиворлиги ҳам ана шундай тушунчалар асосида келиб чиқади. XX аср бошларида мазкур қарашни ўзида акс эттирган таъмирлаш услуби қайси давр ёдгорлигига татбиқ қилинишидан қатъий назар “археологик” услуб деб аталди. Ўша даврда археология фани аниқ илмий тизимга айланган бўлиб, кўпгина ҳолларда архитекторлар учун археологияни ўзлаштириш зарурати туғилади. Баъзан эса археологлар ҳатто таъмирлаш ишларини олиб борадилар.

Таъмирлаш ишларидаги бу жараённинг пайдо бўлиш омилларидан бири архитектурадаги ўзгаришлар эди. Эски услублардан фойдаланиш ўрнини архитектурада янги шакллар ва образлар ишлаб чиқиш ҳаракати эгаллади. 1933 йил Афинада ўтказилган халқаро архитекторлар конгрессида Ле Корбюзье ва Дьобинилар тайёрлашган Таъмирлаш хартиясига ушбу жумлалар мавжуд: “эстетик талабларга эргашиб, ўтмиш услубларидан фойдаланиш хатарли оқибатларга олиб келади”.

Археологик таъмирлашнинг асосий тамойилларини эса италиялик Густаво Жованони ишлаб чиқади. Унинг назарий қарашлари 1931 йилда ёзилган эди. Шундай қилиб, таъмирлаш хартияси Италияда таъмирлашнинг асосий хужжатига айланади.

Бойтодан фарқли ўлароқ Г.Жованони ёдгорликларни икки: “тирик” ва “ўлик”, яъни фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган ёдгорликларга ажратади: таъмирлаш турларини Г.Жованони қандай ёдгорликда ўтказилишига қараб эмас, балки қандай иш қилинишига қараб бўлиб чиқади. У таъмирлашни беш турга ажратди: мустаҳкамлаш-консервация, анастилоз, очиш, тўлдириш ва янгилаш [6].

Кейинчалик обидани мустаҳкамлаш усули, яъни консервация ёдгорликда ўтказиладиган ишларнинг асосий мақсади, деб яқдиллик билан тан олинди. Виолле-ле-Дюк қарашларидан фарқли ўлароқ мустаҳкамлашда замонавий фан ва техникадан ҳам фойдаланишга йўл қўйилди.

Анастилоз деб асл тош қурилмалар ва қисмларни ўз жойига қўйиш назарда тутилади. У йирик тош блокларидан ишланган антик биноларда қўлланилди. Кўшимча миқдори асл қисмларни ўз ўрнига ўрнатиш зарурлигидан келиб чиқади.

Таъмирлашнинг янгилаш тури энг жумбоқли масала бўлиб қолди. Янгилаш деб таъмирлашнинг айнан ўзи эмас, балки кўпроқ шаҳарсозлик нуқтаи назаридан зарур бўлиб қолган, утилитар мақсадларда қўлланиладиган янги қўшимчалар, бошқача қилиб айтганда обидани утилитар мақсадларга “мослаштириш” тушунилади. Г.Жованони назарий жиҳатдан замонавий шаклларни қўллаш мумкинлигини ҳис этган. Бироқ унинг имкониятлари бу масалани ҳал эта олишига шароит яратмади.

Хартия қабул қилинган 1931 йилда Афинада илк бор таъмирчиларнинг халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унинг қарори Италия таъмирлаш хартияси билан ҳамоҳангдир. Таъмирнинг хилма-хил бўлиши мумкинлигини эътироф қилинган ҳолда, хартиядаги умумий йўналиш – ёдгорликни тўла тикламаслик бўлиб қолаверди. Хартияда шундай дейилади: “Таъмир қилмаслик иложи қолмаган тақдирдагина таъмирлашда, ўтмишнинг ҳар қандай тарихий ва бадиий асарларига ҳурмат билан қараш, ҳеч бир давр услубини йўқотмаслик тавсия этилади”. Пировардида археологик таъмирлаш назария ва амалиёти рўйи-рост қарор топади.

Шу билан бирга конференция қарорларида археологик таъмирлашга хос бўлган камчиликларни йўқотишга ҳаракат қилинди. Археологик усулдаги таъмирлашда ёдгорлик музейдаги буюмга ўхшаб қолар эди. Обиданинг ҳаётдан четда қолиш ҳавфи туғилди. Охир-пировард ёдгорликни сақлаш самарасиз бўлиб қолди. Конференция курсатилган камчиликка қарши чора-тадбир сифатида бир неча тавсиялар ишлаб чиқди. Чунончи, ёдгорлик ҳаётини давом эттириш учун ундан фойдаланиш, ёдгорлик атрофини ва шаҳар қиёфасини авайлаб асраш, ёдгорликни тарғибот қилинишни маориф дастурларига киритиш. Бу каби тавсиялар иккинчи жаҳон урушидан кейингина амалиётга кенг татбиқ этилди.

Меъморчиликда муҳандислик консервацияси санъатининг моҳияти шуки, обидани бир неча асрлар сақланиши учун мустаҳкамлаб, бунда бинодаги аввалги пропорцияларни ўзгартирмай, конструктив элементларини параметрларини сақлаш ва бу обиданинг нега қурилганини ҳамда ҳақиқий мавқеи ва образини курсатишдир.

Муҳандислик консервацияси таъмирлашнинг ажралмас қисми бўлиб, бу дегани бинони ремонт қилиш ишлари эмас, балки уни жарроҳлик амалиётига ўхшатиш мумкин. Ёдгорликнинг ўзида сақланиб қолган эски ғишт ёки қошинлар терилишини, ёки деворлардаги ноёб нақшларни, ёки шунга ўхшаш осори атиқаларни ҳисобга олмай ремонт ишлари олиб бориш, таъмирлаш қодаларига умуман тўғри келмайди. Муҳандислик консервациясини бажариш учун иш боши ёдгорликни конструктив жиҳатлари ва унда ишлатиладиган қурилиш материалларини пухта ўраганида, чунки баъзида ҳозирда кам ишлатиладиган қадимий қурилиш материаллари ўрнига оддий, замонавий, арзон қурилиш материаллари (улар ҳатто, ранги, сифати, ўлчамлари билан эскидан катта фарқ қилади) ёдгорликларда ишлатилаётганини учратамиз.

Бу билан биз тарихий ёдгорликда фақат қадимги меъморий услубда ишлаш керак, деб айтмоқчи эмасмиз. Ёдгорликдаги эски баъзи қурилмаларда замонавий мустаҳкам қурилиш материалларни ишлатиш керак. Фақат бунинг билан ёдгорликнинг қадимий кўриниши, деворларидаги қадимий ғишт, қошинларнинг кўриниши, панжаралар, бино интереридаги қадимдан қолган наққошлик ва бошқа безакларни бузмасдан деворнинг, равоқ ва гумбазларнинг ички қисмларига темир- бетон конструкциялари, иморат деворларини ҳомутга олиш учун металл конструкциялари ишлатиш мумкин. Фақат буларни қўллашдан олдин ўша эски қадимий деворга буларни қўллаб бўладими йўқми, буни аниқлаш зарур.

Ёдгорликнинг умрини ўзгартиришга хизмат қиладиган ҳар қандай қурилиш материалларининг сифатлисини (ювилган қум, юқори маркали цемент, ҳумдонда яхши пишган ғишт ёки бошқа керамика маҳсулотлари ва бошқалар) ни ишлатиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтаманку Баъзан ёдгорликни таъмирлаш пайтида иморатнинг қадимий шакллари, қурилмаларининг қолдиқлари ёки излари чиқиб қолади. Бундай топилмалари йўқотиб юбориш керак эмас. Лекин лойиҳада бу нарса кўрсатилмаган бўлади. Шунинг учун бионинг ишчи лойиҳасини шу ёдгорликдаги таъмирлаш ишларини буткул тугагунча параллел равишда олиб бориш ва лойиҳани тугалланиши ёдгорликнинг таъмир иши тугаши билан баравар бўлса, мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. – 142 б.
2. Архитектурные памятники Средней Азии, Бухары, Самарканда. - Л.: «Аврора», 1969. - 126с.
3. Асанов А. Памятники архитектуры средневекового Хорезма. -Ташкент: «Фан»,1971. - 104с.
4. Арапов А.Р. Памятники средневековой архитектуры Самарканда как Явление современной культуры // Архитектура и строительство Узбекистана. 2005. № 1. С. 13.
5. Ахмедов М.К., Рафиков С.А. Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш муаммолари // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. 2005-йил 1-сон. 18-19-бетлар.
6. Боюдухов А.К., Мухиддинов А.Ф. Исследование и реставрация комплекса Сайфетдина Бохарзи и Буян-Кулихана в Бухаре // Архитектура и строительство Узбекистана. 1977. №1.